



МУРОЖААТНОМА ЁШЛАР НИГОҲИДА

Саломов Азимжон

Самарқанд Давлат университети

Юридик факультети 3 курс талабаси

azimsalomov07@gmail.com, телефон: +998(90)3931144

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7498809>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2022

Accepted: 30th December 2022

Online: 31th December 2022

KEY WORDS

Мурожаатнома, инсонга
эътибор, сифатли таълим,
суд-ҳуқуқ тизими, давлат
бошқарув тизими,
ижтимоий давлат, атроф-
муҳит, экология
муаммолари, хусусий мулк.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил учун Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси таҳлили ва жамиятимизда тутган ўрни ёритилган бўлиб, ёшлар нигоҳида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу йилги Мурожаатномаси ички ва ташқи сиёсатининг барча қирраларига тааллуқли масалаларга баҳо берган ҳолда, жамият ҳаётидаги узил-кесил ўзгаришларга катта йўл очиб берди, десак хато бўлмайди.

Мен – талабаман. Мурожаатномада келтирилган далиллар, мақсад ва режалар шахсан менга тегишли жихатлари билан ҳам кўнглимда ғурур, ишонч ва дахлдорлик туйғуларини уйғотди. Ёш авлодга эътибор қаратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия ва билим беришни айнан мактабгача таълим билан бошлаб, йил сайин уларнинг касбий малака ва маҳоратини юксалтириш, замон талабларидан келиб чиқган ҳолда интеллектуал салоҳиятини муттасил

чархлаб бориш билан боғлиқ бўлган амалий таклиф ва вазифалар Мурожаатноманинг ўқ илдинини ташкил этди. 2023 йил юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши ҳам таълим ривожига не чоғли эътиборнинг кучайганидан далолатдир.

Мурожаатномада қайси соҳа тилга олинмасин, албатта, кенг таҳлил, муаммолар ҳамда уларнинг ҳал қилиш йўллари ва аниқ вазифалар белгиланиши билан аҳамиятлидир. Президентимиз ундаги асосий вазифалар ва йўналишларни белгилаб ўтдилар. Булар қаторида: давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, юқори ижтимоий давлат тамойилларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш билан бирга коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида тизим ва



қонунларни шакиллантириш, атроф-муҳит, экология муаммоларига юқори даражада эътибор қаратиш ва муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтириш, дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан келиб чиқиб, эркин бозор механизмларини жорий қилиш ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш яъни давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтириш. Юқорида санаб ўтилган йўналишлардан кўриниб турибдики, олдимизга қўйилган мақсадлар зарур ва ўринли.

Юртбошимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида таъкидланиши, суд-ҳуқуқ тизимига бўлган эътибор нақадар юксак эканлигини англатиб турибди. Хусусан, эндиликда, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказилади. Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади. Судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб,

етмайдиган ваколатлар берилади ша билан бирга судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади. Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Бу янгиликлар суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга кўтариб, адолат кўрсаткичларининг ошишига, турли қоғозбозлик ва ортиқча ташвишлардан ҳоли бўлишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ва шу билан бирга хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга кафолат бўла олади, деб ўйлайман.

Биз – ўтмишимиздан ғурурланадиган, илму маърифати мустаҳкам, ҳар қандай соҳада қомусий билимларни мустаҳкам эгаллаган алломалар авлодимиз. Шубҳасиз бу билан ғурурланамиз. Шунинг баробарида биз қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Бугунги куч-қувватимиз эса юртимиз раҳбарининг Мурожаатномаси, унда белгиланган иш-режалар амали билан бевосита боғлиқ.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси/08.12.1992;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил учун Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси/20.12.2022;
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони/09.01.2019.



5. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 сон фармаонга 1-илова.

6.Х.Т.Одилқориев. Конституция ва баркамол жамият орзуси-Тошкент: “Ўқитувчи”/2012.

7. Интернет сайдлар: www.LEX.UZ/ www.Wikipedia.org